

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI



MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

O'zbekiston, Toshkent shahar. 100159, Mustaqillik maydoni 5
tel.: 239-13-10, faks: (99871) 239-16-30, Web-site: www.uzedu.uz E-mail: info@uzedu.uz

«29» Август 2012 у.

02-1463 - sonli

Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазирлиги,
Тошкент шаҳар халқ таълими
бош бошқармаси ва вилоятлар
бошқармаси бошлиқларига

Бугунги кунда халқ таълими тизимида таълим сифатини мазмунан янги босқичга кўтариш мақсадида қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, таълим муассасаларида 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб жорий этилган “Дарс мукаддас” тадбирлари ўқитувчиларни дарсларга пухта тайёргарлик кўриб келишга ундади. Қатор педагоглар ушбу йўналишда ижодий изланиб, юқори натижаларга эришмоқда.

2012-2013 ўқув йилида ҳам ушбу тадбирларнинг давоми сифатида ““Ўрган-ўргат” тадбирлар мажмуасини амалга ошириш бўйича ТАВСИЯЛАР”” тайёрланди ва эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ушбу тадбирлар мажмуасини тавсия этишдан мақсад, туманлар, мактаблар, директорлар, ўқувчилар, ўқитувчилар ўртасида бири-бирининг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, ўзаро дўстона рақобатбардошлик муҳитида иш жараёнини таъкил этиш ҳисобланади.

Энг муҳими, “Ўрган-ўргат” тадбирлар мажмуасини амалга оширишда ҳисоботбозликка йўл қўйилмайди, амалга оширилган ишлар ҳисоботи ёзилмайди ва олинмайди, ушбу вазифаларга ихтиёрий, сидқидилдан ва виждонан ёндашиш тавсия этилади. “Ўрган-ўргат” тадбирлар мажмуаси тавсия ҳисобланиб, мажбурий кўринишга эга эмас, жойларда бундан яхшироқ тажрибалар аниқланса, улардан фойдаланган ҳолда амалиётга татбиқ этиш мумкин. “Ўрган-ўргат” тадбирлар мажмуаси кўп сонли педагоглар тажрибаси асосида мунтазам бойиб бораверади.

Вазиринг биринчи
ўринбосари

Б.Данияров